



«29» 07 2003 йил

QAROR

№ 324-К

Юридик шахсга ижарага
кушимча ер ажратиш тугрисида

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужалиklarини ташкил этиш тугрисида»ги қонунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги қарорига ҳамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-маддасига асосан Янгиқургон ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 6-июлдаги 14-сонли ««Маҳмуджон ота» фермер хужалигига хужаликнинг 133-145 контурларидан қушимча 7,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида» ги умумий йигилиш қарорини ҳамда ер участкаларини бериш (Реализация қилиш) масалаларини қуриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 16-июлдаги йигилиш баёнидаги ижобий ҳулосани қуриб чиқиб, фуқаро Ю.Маҳмудовнинг «Маҳмуджон ота» фермер хужалигига қушимча ер ажратиб бериш тугрисидаги аризасини қуриб чиқиб

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгиқургон ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 6-июлдаги 14-сонли ««Маҳмуджон ота» фермер хужалигига хужаликнинг 133-145 контурларидан деҳқончилик йуналиши буйича қушимча 7,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш қарори тасдиқлансин.
2. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган қушимча ер майдонини йил якуни билан Янгиқургон ширкат хужалиги ҳисобидан чиқариш тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
 - ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «Маҳмуджон ота» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;
 - туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «Маҳмуджон ота» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;
 - иктисослашган тижорат банкларига «Маҳмуджон ота» фермер хужалигининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракатини тартибга солиш;
 - туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «Маҳмуджон ота» фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:-

Ш.Негматов

Ш.Негматов